



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 15 август, № 167 (7397)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 август кун мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ёқилги-энергетика, қайта ишлаш саноати ва агро саноат тармоқларини модернизация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳаларни яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича қўрилатган чора-тадбирлар натижалари чуқур таҳлил қилинди.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, вазирлар, қўмиталар ва ҳўжалик бирлашмалари раислари ўзларининг иш устуворини тубдан ўзгартириб, кўпроқ ҳудудларга, олис қишлоқларга бориб, пастдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда ҳокимликлар, тадбиркорлар ва жойлардаги раҳбарларга амалий ёрдам бериши зарурлиги таъкидланди.

Бунда ҳар бир комплекс раҳбари ўзининг вазирлари билан бирга ҳар чоракда вилоятларга бориб, тегишли соҳаларда мавжуд муаммоларни ҳал этиши ва натижалари бўйича вилоят халқ депутатлари Кенгаши ва фаоллари олдига ҳисобот бериши керак.

Ҳудди шундай, вилоятлар ҳокимлари ҳам ўз ўринбосарлари ва вилоят бошқармалари раҳбарлари билан бирга ҳар чоракда туманларга бориб, муаммоларни ҳал қилиб, туман халқ депутатлари Кенгаши ва фаоллари олдига ҳисобот беради.

Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига раҳбар ва ҳокимларнинг пастга тушиб ишлаши ва ҳисобот бериши бўйича янги тизимни амалда жорий қилиш масъулияти юкланди.

Йиғилишда макроиқтисодиёт, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари муҳокама қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 5,8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,9 фоиз ўсгани қайд этилди. Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 2,6 триллион сўмдан зиёд ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар кўп маблағ қўндирилди. Бюджет даромадлари қарийб 51 триллион сўм ёки прогнозга нисбатан 109 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари мутаносиб бўлишини таъминлаш, маҳаллий бюджетларга қўшимча тушумлар резервларини топиш ва сафарбар қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш, замонвий банк хизматларини жорий этиш ва уларнинг сифатини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари нарҳлар кескин

ошиб кетишининг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Дастлабки 6 ойда инфляция 5,6 фоизни ташкил қилиб, прогноз кўрсаткичларидан ошмаган. Лекин тарифлар ва нарҳлар босқичма-босқич бозор механизмларига ўтаётгани боис мутасаддиларга инфляция ўсишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар қўриш топширилди.

Маълумки, август ойи бошида ўтказилган йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи атрофлича муҳокама қилиниб, бу борада янги тизим жорий этиш белгиланган эди. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, унга тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жағма-маси, тижорат банклари ва суғурта компаниялари бириктирилди.

Йиғилишда ушбу янги тизимни жойларда жорий этиш орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг бандлиги ва даромадини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Саноатнинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. — Охириги бир йилда ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улуши 26 фоиздан 30 фоизга етган бўлса-да, бу биз бошлаган ислохотлар қўламага нисбатан ҳали етарли эмас, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил охирига қадар Навоий конметаллургия комбинатида 25 та, “Узелтехсаноат”да 18 та, “Узавтосаноат”да 7 та, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 5 та инвестиция лойиҳаси бўйича янги қувватлар ишга туширилишини жаддалаштиришга доир тавсиялар берилди.

Қарийб 100 турдаги қўндалик истеъмол товарларини саноат кооперацияси орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, корхоналар билан манзилли ишлаб, уларнинг қувватини оширишга кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинган жорий йилда сармоялар, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчи ярим йилликда қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилгани бунга яққол мисолдир. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши 2,7 баробар, халқаро молия институтлари маблағлари жалб этилиши 3,7 баробар ўсган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ошди. Олдинги йилларда бу кўрсаткич 25 фоизга ҳам етмасди.

12 август кун ўтказилган видеоселектор йиғилишида инвестициялар ва экспорт ҳажмини кўпайтириш юзасидан белгила берилган вазифаларни ўз мudda-

тида ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарурлиги яна бир бор қайд этилди.

Ёқилги-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу тармоқда ягона давлат сиёсатини олиб борувчи Энергетика вазирлиги ташкил қилинди.

Йиғилишда бу соҳани изчил ривожлантириш, тобора ўсиб бораётган ички эҳтиёжни қондириш учун хом ашё базасини мунтазам кенгайтириб бориш кераклиги қайд этилди.

Электр энергияси ишлаб чиқариш ва етказиб беришда йўқотишларни камайтириш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоблар тизимини тартибга солиш, дебитор қарздорликни киксқартириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Кимё саноатида янги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган 4 та корхона янги йил якунига қадар йўлаланишга топшириш, 31 инвестиция лойиҳаси бўйича ишларни тезлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Автомобилсозлик, қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, электротехника саноатини янада ривожлантириш, бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш, маҳсулотлар таннарҳини пасайтириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгила берилди.

Шундан сўнг ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммуникациялар инфратузилмасини яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳисобот даврида уй-жойлар, йўл-логистика ва ижтимоий инфратузилма объекти қуриш бўйича қўллаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Обод қишлоқ” дастури доирасида 159 тумандаги 478 та қишлоқ янги қуришга қабл этилди, уларга ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари тортилди. Шунингдек, 3,6 минг километр автомобиль йўлларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бу борадаги ишларни давом эттириб, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш масалаларига яна бир бор эътибор қаратилди.

Йил якунига қадар 10 мингга уй-жой ва 111 кўп қаватли уйлари қуриб битказилиши, 1 200 километр ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларнинг сифати ва нарҳларини алоҳида назоратга олиш зарурлиги таъкидланди.

Транспортда йўловчи ва юк ташиш сифатини ошириш масаласи муҳокама қилинар экан, мутасаддиларга 10 минг километрлик республика ва маҳаллий аҳамиятга эга йўлларни қуриш ва таъмирлаш, халқаро юк ташишларга иxtисослаштирилган транспорт-логистика қўшма корхоналарини тузиш, Бухоро, Қарши, Нукус ва Термиз халқаро аэропортларини “Очиқ осмон” режимига ўтказиш, “Навоий куруқлик порти”ни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шахарсозлик нормалари ва лойиҳалаштириш жараёнларини такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан ҳам вазифалар белгиланди.

Йиғилишда аграр соҳа ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасидаги натижалар ҳам таҳлил қилинди.

Кейинги уч йилда бу соҳаларни барқарор ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қўллаб қарорлар ва дастурлар қабул қилинди. Фермерлар манфаатдорлиги ва даромадларини оширишга қаратилган иқтисодий механизмлар жорий этилди.

Бугунги кунда истеъмол маҳсулотларининг 70 фоизи иқтисодиётнинг ушбу тармоғида яратилмоқда. 180 дан зиёд турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 80 та мамлакатга экспорт қилиниб, экспортдан тушаётган жами даромаднинг 20 — 25 фоизини таъминламоқда. Иқтисодий фаол аҳолининг 27 фоизи ушбу соҳада банд.

Ҳозиргача 94 туманда 76 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган. Бу йилги ғалла ҳосили 7 миллион тоннадан ортди. 15 минг гектар интенсив боғ ва 11 минг гектар тоқзор барпо этилди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, куз ойларида қўшимча сабзавотлар экиш, туманларнинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, ҳосилдорликни ошириш чора-тадбирлари ҳам белгиланди.

Маҳсулотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш масаласи кўрилар экан, жорий йил охиригача қуввати 150 минг тонна бўлган 12 та логистика маркази ва сигими 143 минг тонна бўлган 224 та музлаткичи омборхона ишга тушириш зарурлиги қайд этилди.

Ғаллачилик кластерлари, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик комплекслари ташкил этиш, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, спорт ва илм-фан соҳалари, хотин-қизлар ва ёшлар масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларини узоқ муддатли ривожлантириш бўйича концепциялар қабул қилинди. Ижтимоий соҳа ходимларининг иш ҳақи ўртача 1,5-2 баробар оширилди.

Ўтган даврда 14 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, 6 та маҳаллий ва 8 та хорижий олий таълим муассасаси филиали фаолияти йўлга қўйилиб, 40 та янги таълим йўналиши ҳамда 41 янги мутахассислик ташкил этилди. Қабул квоталари ўтган йилдагига нисбатан 20 фоиз кўпайтирилди.

Туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича қўрилган чоралар натижасида 6 ойда юртимизга 3 миллион нафардан ортиқ хорижий туристлар ташриф бурди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз кўпдир. Шунингдек, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 28 фоиз кўп туризм хизматлари экспорт қилинди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 100 миллиард сўм ажратилди. Жорий йилнинг 6 ойи давомида ушбу маблағларнинг 41 фоизи ўзлаштирилиб, хотин-қизлар томонидан 1 755 та лойиҳа амалга оширилди ва 2 240 та иш ўрни яратилди.

Йиғилишда ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш, хизматлар қамрови ва сифатини ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгила берилди.

Барча давлат идоралари ва корхоналарида тизимли ишлаш, қатъий тартиб-интизом, қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам бериш ислохотларимизнинг натижадорлигини таъминлашда асосий омил бўлиши зарур ва шарт, — деди Президент.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, ҳудудлар раҳбарлари амалга оширилган ишлар самарадорлиги, 9 ой ва йил якуни бўйича қўрилган натижалар, бу борадаги устувор вазифаларни бажариш юзасидан ҳисобот берди.

Йиғилиш якунлари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Туризм инфратузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бозорларида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилиш, туризм тармоғининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш ҳамда республикага кириб келаётган хорижий фуқаролар сонини кескин кўпайтириш мақсадида, шунингдек, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 октябрдан бошлаб халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ Қарши, Нукус ва Термиз халқаро аэропортларида “бешинчи ҳаво эркинлиги”ни қўллаган ҳолда, шунингдек, Бухоро халқаро аэропортида “бешинчи ҳаво эркинлиги”ни хорижий давлатлар фуқароларини ташишда қўллаган ҳолда “Очиқ осмон” режимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда хорижий давлатларнинг авиация маъмуриятларини ва чет эл авиаташувчиларини “Очиқ осмон” режими жорий этилаётган Ўзбекистон халқаро аэропортларининг рўйхати тўғрисида, шу жумладан, дипломатик каналлар орқали хабардор этишни таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2020 йил 1 январдан: туризм фаолияти субъектлари ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилиш бўйича харажатларининг бир қисми ҳар бир хорижий турист учун, у республика ҳудудида камида беш кеча тунаб қолган тақдирда, 20 АҚШ доллари, киш мавсумида (20 ноябрдан 20 февралгача) эса 50 АҚШ доллари миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жағма-маси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўллаб берилди;

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ДЕПУТАТЛАР ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ МУСТАҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

2019 йил 14 август кун бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан кўриб чиқилган қонун лойиҳаларининг асарати ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий йўналишда эканлиги билан ажралиб турди.

Депутатлар дастлаб “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳижатдан химоя қилиниши кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмидаги тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонун лойиҳаси юртимизда тадбиркорлик ва инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, мамлакатимизнинг иқтисодиёт борасидаги халқаро рейтингини тобора ошириш мақсадида мулкни гаровга қўйиш, лизингга ёки мажбуриятни таъминлашнинг бошқа шаклларига беришнинг амалдаги механизмларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш назарда тутди. Шундан келиб чиқиб, амалдаги айрим қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи қилинди.

Депутатлар томонидан берилган таклиф-мулоҳазалар ҳамда норма ижодкорлиги талабларидан келиб чиқиб, лойиҳани иккинчи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◄(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

хорижий кинокомпанияларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида аудиовизуал маҳсулотлар (кино, теле ва видеофильм, клип, мулътфильм, анимелар) яратишдаги харажатларнинг бир қисми (“rebate”) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси худудида амалга оширилган харажатларнинг 20 фоизигача, лекин битта маҳсулот учун 300 миңг АҚШ долларидан ошмаган миқдорда қоплаб берилади;

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистоннинг тарихий ва афсонавий шахслари тўғрисидаги тўлиқ метражли бадийий, қисқа метражли бадийий, хроникал ҳужжатли фильмлари суратга олиш учун лойиҳа қийматининг 30 фоизи, лекин 3 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда грантлар ажратилади; тадбиркорлик субъектларининг республика худудларида (Тошкент шаҳридан ташқари) чет эл томонлига ёки алоҳида йўналишга ихтисослаштирилган мавзули овқатланиш шохобчаларини, шунингдек, “караоке” заллари ва туристик кўнгилочар муассасаларни ташкил этиш харажатларининг бир қисми Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир лойиҳа учун 10 миллион сўм миқорида қопланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича моддий маданий мерос объектлари худудларига 5 тннадан юқори вазнга эга катта ҳажмли автотранспорт воситаларининг киришига чеклов қўйилади;

ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган маданий мерос объектлари ва давлат муҳофазасига олинган тарихий ёки маданий ёдгорликлар худудида фақат мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сувенир маҳсулотлари сотилади;

б) 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси: энг юқори туризм салоҳиятига эга бўлган фуқаролар йиғинлари (шаҳарча, қишлоқ, овуллар ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларнинг маҳаллалари) рўйхатини шакллантиради;

ушбу фуқаролар йиғинлари худудларида 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари ташкил этилганда ва туристлар учун камида беш хил хизмат турлари (яшаш ва ёки овқатланиш бўйича хизматлардан ташқари) кўрсатилган тақдирда уларга “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ёки “Туризм овули” мақомини беради;

в) 2020 йилдан бошлаб “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ёки “Туризм овули” мақоми берилган фуқаролар йиғинлари “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлариغا биринчи навбатда киритилади;

г) “Uzbekistan Airports” АЖга республиканинг халқаро аэропортлари тақлифлариغا кўра:

аэропорт томонидан кўрсатиладиган хизматлар (Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган авиакомпанияларга кўрсатиладиган хизматлардан ташқари) учун ставкалар ҳамда йиғимларни белгилаш ва ўрнатиш; аэропортнинг авиация ёнилғиси ва ёқилғи-мойлаш материалларини сақлаш учун зарурий инфратузилмани кенгайтириш ва модернизация қилиш;

маҳаллий ёки хорижий юридик шахслар билан танлов асосида авиация ёнилғиси ва ёқилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш бўйича шартномалар, шунингдек, уларни мамлакатнинг халқаро аэропортларига рейсларни, шу жумладан, транзит рейсларни амалга оширувчи маҳаллий ёки хорижий авиакомпанияларга сотиш бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3217-сон қарори билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасига қуйидаги ваколатларни бериш тўғрисидаги тақлифлариغا розилик берилсин:

Мувофиқлаштирувчи кенгашга жойлардаги салоҳиятли худудларни ўрганиш асосида туризм инфратузилмаси объектларини ривожлантириш худудларини ташкил этиш бўйича тақлифлар қилиши;

туризм инфратузилма объектларини жойлаштириш учун салоҳиятли худудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш;

туризм соҳасига инвестициялар жалб этиш бўйича инвесторлар билан музокаралар олиб бориш, улар билан инвестициявий келишув ва шартномаларни имзолаш, шунингдек, инвесторлар томонидан лойиҳани амалга ошириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда уларга ер участкаларини ўрнатилган тартибда “E-JRO AUKSION” электрон савдо майдончаси орқали тақдим этиш масаласини кўтариш.

4. 2020 йил 1 январдан бошлаб 1-иловага мувофиқ мамлакатларнинг фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси худудига қирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш ва автомагистраль йўллари бўйлаб туризм хизматларини ташкил этишни назарда тутувчи Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридан Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрига болганан ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шаҳригача “Ўзбекистон туризм магистрали” туризм транспорт коридорини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

6. “Ўзбекистон туризм магистрали” туризм транспорт коридори бўйлаб автомагистраль йўллари ва йўлбўйи инфратузилмаси ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унга қуйидаги ваколатлар берилсин:

капитал ва жорий таъмирга муҳтож йўл участкаларини аниқлаш, шунингдек, яратиладиган йўлбўйи инфратузилмаси объектларининг жойлашувини белгилаш;

йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорларга руҳсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишда (ер участкаларини ажратиш, қурилишга руҳсат олиш) кўмаклашиш;

тегишли давлат органлари томонидан уларнинг ваколатига кирувчи муаммолни масалаларни (йўл кўрсаткичлари ўрнатиш, санитария-гигиена шохобчаларини қуриш ва бошқалар) ҳал этиш бўйича топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш.

7. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан туризм учун инновацион бизнес гоЯ

ва стартапларни амалга ошириш мақсадида лойиҳа ташаббускорларига лойиҳа қийматининг 30 фоизи, лекин 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда грантлар ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси бир ой муддатда амалга оширилиши тавсия этиладиган туризм учун инновацион бизнес гоЯ ва стартаплар рўйхатини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. 2023 йил 1 январга қадар қуйидагилар:

а) етиб бориш қйин бўлган ва чекка жойларда (аҳоли яшаш пунктларидан камида 10 километр ёки қаттиқ қопламали автомобиль йўлларидан 5 километр узоқликда) кемпинглар ва “сафари” туризмини ташкил этиш бўйича туризм хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар алоҳида автоном инфратузилмани яратган тақдирда мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўлови тўлашдан;

б) юридик шахслар, уларнинг лойиҳа ташкилотлари, бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотлари жаҳон стандартларига мос ва зарур маданий кўнгилочар инфратузилмаларига эга голф мажмуаларини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан; лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахасссларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ягона ихтимолӣ тўловдан;

лоийҳани амалга ошириш учун зарур бўлган товарларни, шу жумладан, “вақтинча олиб кириш” божхона режимида олиб киришда божхона божи ва акциз солиғидан; в) намунавий лойиҳалар бўйича замонавий санитария-гигиена шохобчаларини қуриш ва (ёки) уларнинг фаолиятини ташкил этишни амалга оширувчи юридик шахслар мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўловини тўлашдан;

г) Ўзбекистон Республикаси худудига олиб қириладиган дор (осма) йўлларини, “банжи-жампинг” ва “зиплайн” аттракционларини, бошқариладиган (дирижабль, ҳаво шари) ва бошқарилмайдиган (эркин учиш) аэростатлар, гондолалар, “рафтинг” ва “флаибординг” учун усқуналар, шунингдек, “buggy car”, фэтонлар, жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган (гидирак устидagi уйлар) ёки кафе-фургонларга айлантилрган (“фудтрак”) ер усти транспорт воситалари божхона божи ва акциз солиғидан озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида махус туризм зоналарини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва бошқа вилоятлар ва бошқарилмайдиган (эркин учиш) аэростатлар, гондолалар, “рафтинг” ва “флаибординг” учун усқуналар, шунингдек, “buggy car”, фэтонлар, жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган (гидирак устидagi уйлар) ёки кафе-фургонларга айлантилрган (“фудтрак”) ер усти транспорт воситалари божхона божи ва акциз солиғидан озод этилсин.

Туризм зоналарида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш устидан назорат: “Зомин” бўйича — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. У. Умурзоқов; “Нанай” бўйича — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов; “Бойсуи” бўйича — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий штат бирликлари доирасида архитекторлар, картографлар, шаҳарсозлик ва қурилиш муҳандисларидан таркиб топган, 15 штат бирилигидан иборат Туризм зоналари ва кластерларини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилсин ва унга туризм инфратузилма объектларини жойлаштиришни режалаштириш ва лойиҳалаш бўйича ишларни ташкил этиш вазифалари юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг: мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш ва оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакилларига ва хориждаги ватандошларга уларнинг фаолиятини тегишли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан баҳолаш натижалари бўйича топшириладиган “Туризм соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишонини таъсис этиш;

“Туризм ўқув-консалтинг маркази” давлат унитар корхонаси негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси хузуридаги Туризмни ривожлантириш институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлариغا розилик берилсин.

13. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

туризм соҳасида илмий тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар ва илмий-амалий ишланмаларни мувофиқлаштириш, тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги ўқув дастурлари ҳамда таълим шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

хорижий мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда туризм соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

туризм тармоғи учун кадрлар тайёрловчи ўқув таълим муассасалари фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш, консалтинг ва ўқув марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

ягона тест синови тизими асосида гидлар, экскурсия етакчилари, йўриқчи-қузатувчилар учун малака сертификатини бериш.

14. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси икки ой муддатда: Институтнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаган ҳолда учини Уставини; Институтнинг тузилмаси ва штат жадвалини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Институт ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ходимлирига тенглаштирилсин.

Институт Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 115-“А” уй манзилига жойлаштирилсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг илтимосномаси келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни ичида тадбиркорлик субъектлариغا замонавий санитария-гигиена шохобчаларини қуриш учун 80 — 100 квадрат метр ўлчамда ер участкалари электрон аукционга қўйилмасдан ажратилиши юзасидан шахсий жавобгарлиги белгилансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида, Жиззах вилоятининг Зомин туманида электр энергияси, газ, сув таъминоти ва канализация иншоотларини, шунингдек, автомобиль йўлларини жадал реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини келгусида Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурига киритишни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ажратиладиган маблағларни, биринчи навбатда, “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ёки “Туризм овули” мақомидаги фуқаролар йиғинларини ободонлаштириш, шу жумладан, ички автомобиль йўлларини таъмирлаш, электр энергия, газ ва сув таъминоти, канализация тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, мобил алоқа ва интернетни яхшилаш мақсадида қўшимча базавий станцияларни ўрнатиш учун йўналтирилш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

а) “Uzbekistan Airports” АЖ, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда “Очиқ осмон” режими жорий қилинаётган Ўзбекистондаги халқаро аэропортларнинг учиш-қўниш йўллари, ҳарақатланиш йўллари, кўмондонлик-диспетчерлик пунктлари, аэронавигация жиҳозлари ва стационар ер усти алоқа тармоқларининг реконструкция қилинишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда 2020 — 2022 йиллар давомида 4-иловага мувофиқ миллий ва хорижий авиакомпанияларни жалб қилиш учун истикболли хорижий мамлакатлар шаҳарлари билан авиақатновларни босқичма-босқич йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

в) 2020 йил 1 январга қадар ҳамкорлиқни ва парвозлар географиясини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ҳар қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларининг хатловдан ўтказилишини ва қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

г) 2020 йил 1 январга қадар радиотехника жиҳозларини босқичма-босқич модернизация қилиш ва аэронавигация хизматларини кўрсатиш ҳажмини ошириш ишлаб чиқсин;

д) “Uzbekistan Airways” АЖ, “Uzbekistan Airports” АЖ ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда “Uzbekistan Airways” АЖ ва “Uzbekistan Airports” АЖни ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи барқарор бизнес-моделни ишлаб чиқсин:

қайтарилмайдиган ва бағажсиз тарифлардан фойдаланиш йўли билан авиақатновлар нархларини оптималлаштириш бўйича халқаро тахрибани жорий этиш;

аэропорт инфратузилмасини қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва модернизация қилиш дастури;

ҳаво кемаларини ишлаб қиларувчи етакчи хорижий компанияларни жалб қилган ҳолда ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш;

авиация ёнилғиси ва ёқилғи-мойлаш материалларини улзуксиз етказиб беришни таъминлаш чоралари;

авиачипталарнинг онлайн савдоси имкониятларини кенгайтириш ва электрон авиа юк varaқаларини расмийлаштириш тизимини жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ичида вилоятлараро йўналишлар бўйича авиақатновларни, шу жумладан, яқин ва ўрта масофаларга учинга мўлжалланган ҳаво кемаларидан фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш;

республика ичида норентабел қатновларни амалга оширувчи авиаташувчиларни субсидиялаш механизмни амалда жорий қилиш;

е) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш кўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда аэропортлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун табақалаштирилган тарифлар ва йиғимларни ҳисоблаш методикасини тасдиқласин ва республиканинг ҳар бир аэропорти кесимида кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар ва йиғимларни қайта кўриб чиқиш чораларини кўрсин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда вертолётларда йўловчи ташиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани, учиб ўтиш худудларини хатловдан ўтказиш, шунингдек, вертолёт майдонларини лойиҳалаштириш ва қуриш асосида юридик шахслар томонидан вертолёт техникасидан фойдаланган ҳолда авиация хизматларини кўрсатиш тартибини жорий этиш чораларини кўрсин;

з) “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар, шу жумладан, юридик шахслар томонидан шахсий кабинет орқали гуруҳ йўл ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда мобил иловалар орқали чипталар маълумдлигини қузатиш ва онлайн брон қилиш имкониятини назарда тутувчи “E-ticket” онлайн чипта савдосининг шаффоф тизимини ишга тушириш ҳамда ишлатиш чораларини кўрсин;

и) “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар халқаро аэропортлар йўловчиларга қулай логистикани яратиш учун мамлакатимиз ва чегарадош давлатлар шаҳарлари ўртасида транспорт алоқаларини (автобус ва темир йўл қатновлари) таъминлаш бўйича режа ишлаб чиқсин;

к) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар халқаро ташувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлинмаларига йўловчилар тўғрисида дастлабки маълумотларни тақдим қилиш тартиби ҳақидаги низои лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур Фармоннинг 5-илоvasида назарда тutilган инвестиция тақлифларининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки икки ой муддатда хорижий туристларга республика худудида халқаро тўлов карталари ёрдамида тўловларни амалга ошириш имкониятини яратиш мақсадида миллий тўлов тизимини

халқаро тўлов тизимлари билан интеграция қилиш чораларини кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бир ой муддатда визани расмийлаштириш тартиб-таомилни соддалаштириш, аризаларни кўриб чиқиш муддатларини мақбуллаштириш ва тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини қисқартиришни, шунингдек, электрон ҳужжатлар сайланмасини жорий этишни назарда тутган ҳолда хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига келиш ва кетиш визаларини расмийлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати 2020 йил 1 январга қадар туристларнинг рўйхатдан ўтганлигини ҳисобга олишни, шунингдек, уларнинг республика худудида бўлишлари ва рўйхатдан ўтганлигини текширган ҳолда вақтида мамлакатдан чиқиб кетиши назорат қилинишини таъминласин. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тегишли дастурий таъминот тизими ишлаб чиқилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган моддий маданий мерос объектлари худудида ободонлаштириш ва қурилиш ишларини олиб боришга йўл қўймаслик юзасидан қатъий назорат ўрнатсин, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси билан келишилган ҳолатлар бундан мустасно.

23. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси:

а) “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ёки “Туризм овули” мақомига эга фуқаролар йиғинлари маҳаллий аҳолисини туристларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича тайёрлаш ва ўқитишни доимий асосда ташкил этсин;

б) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Фуқаролар йиғинларига “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ёки “Туризм овули” мақомини бериш тартиби тўғрисидаги низои лойиҳасини киритсин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда туристик йиғимни ундириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатга киришида туристик йиғимни транспорт турига қараб тўлаш тартибини жорий этиш;

туристлар томонидан туристик йиғимни мустақил равишда тижорат банклари филиаллари, туристик ахборот марказлари ва электрон ахборот тизимлари орқали тўлаш механизмларини жорий этиш орқали йиғимни тўлаш усулларини кенгайтириш;

г) Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Тадбиркорлик субъектларининг харажатларини қоплаш учун ма

ДЕПУТАТЛАР ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Хусусан, Марказий банкнинг тижорат банкларидаги вакил институти тўғрисидаги модда тўққизинчиди, шу билан боғлиқ бўлган нормалар, пруденциал нормативлар тўғрисидаги модда "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунга ўтказилиши муносабати билан мазкур модда ҳам, у билан боғлиқ бўлган қатор нормалар, жами 4 та модда лойиҳадан чиқариб ташланди. Бундан ташқари, иккита янги модда лойиҳага киритилди ҳамда лойиҳа матни 30 дан ортқ тахририй ўзгариш ва тўзатишлар киритилган тарзда қабул қилинди.

Шундан сўнг депутатлар "Мақтабгача ёшдаги болаларга мақтабгача таълим бериш ва тарбиялаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қайд этилганидек, узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим ва ҳал қилувчи бўғини, бу — болани соғлом ва барқамол шахс сифатида шакллантириш учун мустақкам пойдевор яратишига хизмат этувчи мақтабгача таълим соҳасидир. Шундан кейин кибки, юридик шахсларга нодавлат таълим хизматлари кўрсатиши ҳуқуқини бериш, ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кенгайтириш, улар фаолиятини рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш, индивидуал таълим хизматлари кўрсатиш учун шароит яратиш, ривожланган давлатларнинг таърибасини миллий таълим тизимига интеграциялаш зарурати мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши тақозо этди.

Қонун лойиҳаси билан илгари амалда бўлган бир қатор қоидаларга ўзгаришлар киритилиши назарда тутилмоқда. Хусусан, мақтабгача ёшдаги болаларнинг эрта ривожланиш жараёни алоҳида босқичларда бўлиши белгиланган бўлишига асосан, мақтабгача таълим муассасаларининг тартибини, улар фаолиятини ташкил этиш, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлишига асосан, мақтабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ривожлантириш соҳасида давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини амалга ошириш асослари мустақкамлашмоқда. Хорижий таърибани инобатга олган ҳолда, оилада таълим олиш имконини берувчи оилавий мақтабгача таълим муассасасини жорий қилиш, шунингдек, болаларнинг яшаш ёки доимий рўйхатга олинган жойидан қатъи назар, мақтабгача таълим муассасасига қабул қилиш тартиби тақвир қилинмоқда.

Депутатларнинг фикрича, мазкур

қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида мақтабгача таълим тизимида юзга келадиган муаммоларни бартараф этиш имконияти яратилди, тизимни янада такомиллаштириш ва мақтабгача таълимнинг халқаро ҳамжамият билан интеграциялашуви учун кенг имкониятлар очилди, таълим сифати сезиларли даражада яхшиланди.

Қонун тартибидидаги навбатдаги масала — "Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамага қўйилди. Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг тенглигини таъминлаш ва уларнинг камситишга йўл қўймаслик, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига жалб этиш, таълим олиш ва ишга жойлаштириш имкониятларини таъминлаш лойиҳанинг бош мақсади этиб белгиланди. Ушбу лойиҳа БМТнинг Ноғиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларини имплементация қилиши ҳамда ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофазалаш соҳасида замонавий усуллар, халқаро стандартларни жорий этиши назарда тутилди.

Депутатларнинг таъкидлашича, ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг барча жаҳасини қамраб оладиган ушбу лойиҳа бир қатор вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади. Улар ҳар соҳада ўзларини шу жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, барча тадбирларнинг бевоқиф иштирокчиси деб ҳис қила бошлайдилар. Жумладан, ноғиронлиги бўлган шахслар учун қўлай жисмоний муҳит — бинолар, транспорт, ахборот-алоқа, шунингдек, ижтимоий, иқтисодий, маданий муҳит, соғлиқни сақлаш, таълим хизматларидан фойдаланишга имкон яратди. Уларнинг камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам берилади. Шунингдек, ноғиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш ва ишга жойлаштириш, ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланиш имкониятини оширишга қўмақлашади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустақкамлаш, улар учун эркаклар билан тенг шароитлар яратиш беришга қатъа эътибор қаратишмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 21 июндаги Олий Мажлис Сенатининг йиғирманчи ялпи мажлисидаги нутқида хотин-қизлар учун муносиб иш, турмуш шартлари яратиш, уларни иж-

тимоий ҳимоялаш, аёлларнинг социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, хотин-қизларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада мустақкамлаш мақсадида эркаклар ва аёлларнинг ҳуқуқлари ҳамда имкониятлари тенглигини қонун даражасида кафолатлаш тақвир қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг аниқ ташаббуси ва ғояси асосида ишлаб чиқилган ҳамда палата мажлиси қонун тартибига киритилган "Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ҳамда имкониятлари тенглигини таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан талабчанлик билан муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон тарихида биринчи марта қабул қилинаётган ушбу қонун лойиҳаси жамият ҳаётининг барча соҳасида эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имконият яратиши таъминлашга қаратилган. Шунингдек, лойиҳада гендер тенглик, аёлларнинг камситиш тушунчаси ва турлари, мутасадди органларнинг ваколатлари, давлат бошқарувида иштирок этиш, ишга қабул қилиш ёки ёллашда, кредитлар олиш ва тадбиркорлик билан шуғулланишда гендер тенглигини таъминлаш бўйича нормалар, бундай тенглик бўлишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ўз аксини топган. Лойиҳа билан эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятларини таъминлаш соҳасидаги Вази́рлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Хотин-қизлар гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгиланмоқда.

Баҳо-мунозара, тортишувларга бой келган яна бир масала "Хотин-қизларнинг таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди. Мамлакатимиз Президентини ташаббуси асосида тайёрланган ушбу лойиҳа ҳам азалдан муқаддас деб белгиланган ОНА зотиға, хотин-қизларга доимо юксак эҳтиром кўрсатиб келиниши, аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу, аввало оилага, жамият келажига ҳурмат-эътибор ифодасидир, деган қарашнинг амалдаги инъикоси бўлди. Дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқас, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва

сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

Қатор қонун ҳужжатлари зўравонлик қилиш, шахс нисбатан жисмоний куч ишлатиш жиноий қилмиш ҳисобланишига қарамай, амалиётда аёлларга нисбатан, айниқас, оилавий-маиший ҳаётда зўравонлик қилиш ҳолларига етарлича эътибор берилмайди. Шу боис ҳам руҳий ва иқтисодий зўравонлик ҳамда тазйиқ учун жавобгарликни қонун йўли билан тартибга солиш талаб этилмоқда. Бу масалаларни тўлиқ қамраб оладиган яна қонун мавжуд эмаслиги эса давлат органларига тизимга солинган комплекс статистика олиб бориш имконини бермапти.

Мазкур қонун лойиҳаси аниқ шу муаммоларга барҳам беришга, хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ва бошқа жойларда тазйиқ ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Лойиҳада тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек, бундай қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари, тазйиқ ҳамда зўравонликни бошидан ўтказган шахсларни ҳимоя қилиш, жамиятда аёлларга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай шаклига муносабат муносабат муҳитини қарор топтириши назарда туғувчи процессуал кафолатларни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар акс эттирилган. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ кўрсатилиб, бу соҳадаги ваколатли органлар белгиланган.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамиятда, турмушда, иш жойларида, таълим муассасалари ва бошқа жойларда хотин-қизларга муносабатни янада яхшилаш, уларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромнинг тобора мустақкамлашга хизмат қилади.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ваколатлари Таълиқ бўшқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Ҳамкорлик

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ

Ўз вазибаларини қай даражада бажармоқда?

Пойтахтимизда Жамоатчилик кенгашлари форуми бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча ҳудудидан 150 нафардан зиёд жамоатчилик кенгашлари вакиллари, ОАВ, фаол фуқаролар ҳамда халқаро экспертлар иштирок этди.

Бугунги кунда жамоатчилик кенгашларини ўткир муаммолар, аҳолини ўйлантираётган масалалар юзасидан конструктив муноқоқа майдончасига айлантириш бўйича ишлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Жамоатчилик кенгашлари аъзолари салоҳиятини юксалтириш, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, бу борда халқаро таърибани ўрганиш, янги билим ҳамда кўникмаларни амалиётга жорий этиш ушбу йўналишдаги асосий вазифалардан саналади.

Айниқас, Ўзбекистон Республикаси Президентини қарори асосида ҳар бир давлат органи, жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари ҳузурда жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилгани халқ ва ҳокимият ўртасида ўзига хос "кўприк" шаклланишига замин яратди.

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати Қозғоғистоннинг Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ассоциацияси ва АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги билан биргаликда Ўзбекистонда "Иновациялар учун ҳамкорлик" дастурини ишга туширган. Дастур мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, шу жумладан, уларга грантлар тақдим этиш, услубий ва амалий кўникмалар бериш,

тренинг ва ўқув курсларини ташкил қилишга йўналтирилган.

"Иновациялар учун ҳамкорлик" дастури доирасида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашлари форуми кўплаб ташаббусларни муҳокама қилиш, ўзаро таъриб бериш ва энг асосийси, ўтган вақт давомида бажарилган ишларни таҳлил қилиш орқали келгуси режалар ва соҳа ривожига қаратилган янги тақвирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Форум яқинлари кўра, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати томонидан жамоатчилик кенгашлари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича билдирилган тавсиялар, шу жумладан, давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорлик, фуқароларни устувор вазифалар ва ислоҳотларга фаол жалб қилиш бўйича тақвирлар умумлаштирилади.

Сўз — форум иштирокчиларига

Акмал САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши раиси:



— Ортимизда сўнгги йилларда халқ билан мулоқотнинг бир неча самарали усуллари қўлланилмоқда. Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхона каби институтларнинг жорий қилиниши бунга ақвоқ мисолидир. Кейинги уч йил мобайнида салкам 2,5 миллиондан ортқ фуқаролар айнан Халқ қабулхоналарига мурожаат қилишган. Улар муаммоларининг 70 — 80 фоизи ҳал этилган. Аммо ўз ишига масъулиятсизлик билан қараётган айрим раҳбарлар борки, улар сабабли оддий фуқаролар давлат идорасидан ўзи учун керакли маълумотларни, ахборотларни олишга қийналмоқда. Айнан шунинг учун ҳам давлат органлари қошида ташкил этилган жамоатчилик кенгашларининг янада фаол бўлиши талаб қилинади.

Бугун юртимиздаги ҳар бир фуқаро Ўзбекистонда кечаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириши, давлатга бўлган ишончини мустақкамлашга жуда муҳим. Ўз навбатида, жамоатчилик кенгашлари халқнинг давлатга кучайтириши, давлатга бўлган ишончини мустақкамлашга жуда муҳим. Ўз навбатида, жамоатчилик кенгашлари халқнинг давлатга кучайтириши, давлатга бўлган ишончини мустақкамлашга жуда муҳим.

Жамиля АСАНОВА, Қозғоғистон Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ассоциацияси директори:



— Бугунги кунда дастур доирасида юртингизда ташкил этилган 5 та жамоатчилик кенгаши танлов асосида сараланган бўлиб, уларга синов тарихида ташкилий ва институционал салоҳиятини ошириш бўйича қўмақ кўрсатишмоқда.

Соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи жорий йилнинг июль ойида ҳудудларга таширф буюрилган. Жойларда олиб борилган ўрганишлар давомида жамоатчилик кенгашлари фаолияти ва унинг аъзолари билан яқиндан танишилди. Уларга экспертлар томонидан маслаҳатлар берилди.

Истиқболда эса дастурнинг энг фаол иштирокчилари билан шахар кенгашлари фаолияти таърибасини ўрганиш мақсадида Америка Қўшма Штатларида таширфини амалга ошириш режалаштирилган.

Толонбек АБДИРОВ, Қирғизистон Республикаси Жамоатчилик кенгашларини мустаққиллаштирувчи кенгаш раиси, иқтисодий фанлари доктори:



— Қирғизистонда 2009 йилда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тартибга солуви қонун қабул қилинган. Утган йиллар мобайнида бизнинг фаол фуқароларимиз ташаббуси би-

дан давлат органлари қошида ташкил этилган жамоатчилик кенгашлари фаолияти ривожланди, ўзининг нуфузини, ўрнини мустақкамлаб бормоқда. Йилдан-йилга сафимизга мамлакат келажига беварақ бўлмаган инсонлар келиб қўшилмоқда. Кенгашимиз турли давлат органлари қошида ташкил этилган жамоатчилик кенгашларининг ишини мувофиқлаштириш зарурати туфайли тузилган. Биз турли ҳудудларда ягона мақсад билан иш олиб бораётган фидойи инсонларнинг самарали фаолиятини, маълум маънода, тизимлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Ўзи аслида жамоатчилик кенгашлари нима учун керак? Қирғизистон мисолида айтилган бўлса, илгари фуқароларимиз ва ҳукумат ўртасида тушунмовчиликлар жуда кўп бўлар эди. Жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш орқали биз аҳолининг талаб ва истакларини эшитишга ўргандик. Муаммолар масалалар кўчада эмас, вазирилик ва идораларнинг ҳоналарида, дипломатик йўллар билан ҳал қилинадиган бўлди. Натижада давлат органлари фуқаролар муаммоларини айнан уларнинг иштирокида ҳал қилиш, ечим топиш осонроқ ва самаралироқ эканини ўрганди. Ўз иш услубини шунга қараб ўзгарибди.

Русланбек ДАВЛЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси адилия вазири:



— Жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши давлат органларининг самарали ишлашига кенг имконият яратди. Сабоби, ушбу кенгашлар ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат органи ҳисобланади. Давлат органи фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш, унинг ишида коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ўтказиш, натижаларни бўйича тақвирлар тайёрлайди.

Бугунги кундаги мавжуд жамоатчилик кенгашлари, асосан, давлат органлари қошида умумий масалаларни қамраб олган ҳолда ташкил этилган. Эндиликда чуқур ижтимоий муаммолар ва тор доирадаги аниқ масалалар юзасидан ҳам соҳавий жамоатчилик кенгашларини тузиш босқичига чиқишимиз керак.

Қуни кеча Президентимизнинг тадбиркорлик соҳасидаги муҳим Фармони қабул қилинди. Эътиборли жиҳати, ушбу ҳужжат билан айнан соҳавий Жамоатчилик кенгаши тузилди. Унга мувофиқ, Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ҳузурда тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари бўйича Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Бу ҳам қатъа қадам бўлди. Ўзбекистоннинг ўрганишига арзигулик ва форум давомида ҳамкорлигимиз томонидан эътироф этилган бундай жиҳатлар талайгина.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

16 нафар бемор бола Германияда даволанади

Кеча Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортидан Ўзбекистонлик 13 нафар ҳамда қирғизистонлик 3 нафар бемор бола Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниш учун ушбу давлатга жўнаб кетди.

Ғамхўрлик

"Соғлом авлод учун" халқаро ҳайрия фонди томонидан Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида амалга оширилётган мазкур лойиҳа оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга мўтдоҳ аҳолини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, ноғиронлиги бўлган ўғил-қизларни соғломлаштиришга қўмақлашишга қаратилган.

— Соғломлаштириш лойиҳаси доирасида 2002 — 2019 йиллар давомида Ўзбекистонлик 387 нафар бемор бола терининг куйиш асоратлари, тумма кўл-оёқ бўғимлари хасталиқлари ҳамда бошқа ташвишлар билан Германиянинг нуфузли клиникаларида даволанди, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро ҳайрия фонди бўлим бошлиғи Райхона Тошхўжаева. — Қолаверса, ушбу халқаро ташкилотнинг грант маблағи ҳисобига жорий йилнинг дастлабки олти ойи давомида республика бўйича жами 37 нафар тумма лаб тангалли нусқаси бўлган бола, шунингдек, "Чиройли оёқчалар" лойиҳаси асосида тумма оёқ нусқаси (маймоқлик) ва қийишқ бўйин ташвиши билан 15 ёшгача бўлган 34 нафар бемор ўғил-қизда жароҳатли амалиётлари муваффақиятли ўтказилди. Шу билан бирга, терининг куйиш асоратлари бўлган 22 нафар кичкинтой пластик жароҳатли амалиётлари ёрдамида соғломлаштирилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2002 йилда "Соғлом авлод учун" фонди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти ўртасида уч томонлама ҳамкорлик битими имзолаган эди. Бу келишув 12 ёшгача бўлган бемор ва ноғиронлиги бўлган болаларни даволанган ва реабилитация қилишга қаратилган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Мустаққиллигимизнинг 28 йиллиғига Аҳоли тиббиётдаги ислохотлардан рози бўлиб яшаши керак

Ҳаёт синовидан ўтган бир ҳақиқат бор: хасталаниб қолганимизда кимдир соғлиғимиз ҳақида қайғурса, буни ҳис қилсак, тезда тузалиб кетамиз. Шу боис турт мучамизнинг бутлиги шифокорларнинг беморга қаратадиган эътиборига, малакасига, энг муҳими, тиббиётнинг имкониятларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Утган даврда бошқа жабҳалар қатори соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам жуда катта ўзгаришлар қилинган, тизимли ислохотлар юритилиб, кенг қамровли чора-тадбирлар кўрилгани беҳиз эмас. Чунки, халқимиз саломатлигини сақлаш, миллат генофондини асраш, жисмонан барқамол авлодни тарбиялаш — тиббиётнинг қай даражада тараққиёт этганига чамбарчас алоқадор масала эканини бугун янада чуқурроқ англаб етмоқдамиз.

Ҳозирги вақтда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида бошланган ислохотлар, айниқас, кейинги уч йилда кескин кучайганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилиб, муҳим давлат дастурлари қабул қилинаётгани тизим тараққиётида, аҳолининг малакали тиббий хизмат билан кафолатланишида катта ўрин тутмоқда. Мисол учун, бир ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичлари 2017 йилда — 7479 та, 2018 йилда — 6720 та, 2019 йилнинг ўтган 6 ойида эса 2907 тани ташкил этган. Тўғри, бу рақамлар йилдан-йилга камайиб бормоқда, лекин ёш авлод саломатлиги билан боғлиқ айрим муаммолар борки, уларни бартараф этиш ҳаётий заруратдир.

Хўш, бу борадига камчиликларни қандай ҳал этиш керак?

Маълумки, мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги Фармони билан Соғлиқни сақлаш тизимини 2019 — 2025 йилларда ривожлантириш концепцияси тасдиқланди ҳамда 2025 йилгача амалга оширилиши зарур бўлган энг муҳим ва-

зифалар белгилаб олинди. Айни пайтда бу бўйича тизимли саъй-ҳаракатлар рўёбга чиқарилмоқда. Натижада тиббий хизмат сифати ва самардорлигини юксалтириш, аҳоли саломатлигини мустақкамлаш, юрдошларимизни сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш борасида ижобий қўрсаткичлар эришилди. Буни одамлар билан мулоқот қилаётган, уларнинг дарду ташвишига қўлоқ тутаётган, муаммоларини ўрганаётган чорларда ҳам, шодлиғига шерик бўлаётган пайтларда ҳам ҳис қилаемиз.

Албатта, амалга оширилган ютуқлар ўзимизники. Аммо одамлар орасида тизим фаолиятдан қониқмаслик, эътирозли ҳолатлар учрамоқда-ки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Шу боис давлатимиз раҳбари парламент, чунки, қуйи палата зиммасига ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш бериш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, соҳага оид қонунчиликнинг амалиётга самарали татиқ этилишига қўмақлашиш вазифасини қўйди. Шу мақсадда 2017 йилнинг февралда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурда Ўзбекишга комиссияси ташкил этилди. Унинг ҳудудлардаги ишини йўлга қўйиш учун Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат ҳудудий ишчи гуруҳлар, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли ҳудуддаги давлат органлари, муассасалар ва ташкилотлар вакиллари тартибда ҳудудий комиссиялар тузилди. Комиссия, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мухаррам ДАДАХЎЖАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты.

Пойи Калон ансамбли «ШХТнинг 8 мўъжизаси» рўйхатидан жой олди



ШХТ бош котиби Владимир Норов ўз нутқида 18 йил аввал Ташкилотга асос солишга доир қабул қилинган қарор унга аъзо давлатларнинг тинчлик ва барқарорликка йўналтирилган муҳим стратегик танловни бўлганини таъкидлади.

Нуфузли меҳмонлар бош котиб ҳамроҳлигида "ШХТнинг 8 мўъжизаси" кўрғазмасини кўздан кечириш. Кўрғазмадан ШХТ мамлакатлари табиати, урф-одатлари, аънавий либослари, ҳунармандчи-

лик махсулотлари ва миллий таомларига бағишланган фотоматериаллар, видеороликлар ва қўланмалар ўрин олган.

Таъкидлаш жоизки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари кўп миллатли ва цивилизациялараро мулоқотнинг ажойиб ўйғунлиғидир. Уларнинг ҳар бири ўзига хос маданий ва меъморий ёдгорликлар ҳамда бетакрор табиатга эга. Шуниси диққатга сазоворки, "ШХТнинг 8 мўъжизаси" рўйхатидан Бухоро кўрки

саналган, Пойи Калон меъморий ансамбли ҳам ўрин олган бўлиб, ташкилотга асос солинган қуйи ушбу тарихий масканининг ҳам тақдироти ўтказилди.

Пойи Калон меъморий ансамбли Мино

ҲОСИЛДОРЛИК ЮҚОРИ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

УНДА ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ — «МЭРС» МИКРОБИОЎГИТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.

Маълумотларга қараганда, дунё бўйича фойдаланиб келинаётган ер майдонларининг қарийб ярмида унумдорлик йўқлиб бормоқда. Жумладан, 1,7 млрд. гектар майдоннинг 400 миллион гектари мутлақо яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Бундай вазият қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажми ва сифатига салбий таъсир кўрсатиши табиий ҳол. Шу боис олимлар ушбу муаммонинг олдини олиш, етиштирилаётган маҳсулотлар ҳосилдорлигини ошириш устида иш олиб боришяпти.

Кимё фанлари доктори, профессор Султон Усмонов томонидан яратилган препарат кўпчилик фермерлар, томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари учун янгилик. Ҳосилга ҳосил кўшишининг энг самарали омилни ҳисобланган ушбу препарат "МЭРС" микробиоўғитидир.

Изланиш

Маълумки, ҳозирги кунда дунёда ўғитларнинг кўплай турлари мавжуд ва ҳар бирининг ўзига яраша таъсири, фойдали ҳамда зарарли томонлари ҳам бор. Ҳўш, мазкур препарат қандай яратилган ва таркиби нималардан иборат? Унинг турдошларидан афзаллиги ва самарадорлиги ниҳадми?

Деҳқон борки, мўл ҳосил олиш умидида ерга уруғ қадайд. Шу мақсадда эртаю кеч тиним билмай меҳнат қилади, ниҳолга меҳр бериб парваришлайди. Ҳатто пахта эккан фермерлар ҳосилга кираётган ғўзасининг ҳар бир тупи кунига нечтадан кўсак тугаётганигача ҳисоб-китоб қилади. Ахир келажакнинг ёрқинлиги ва турмушининг нечоғли фаровон бўлиши ҳосилнинг қанча тош босишига бевосита боғлиқ-да.

Сир эмас, мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилаётган ер майдонларининг маълум қисми лалми ёхуд сув танқис бўлган, шўрланган, унумдорлиги паст, ҳатто тошлоқ майдонларни ташкил этади. Бундай ерлардан қутулганидек ҳосил олиш мушкул.

Шу ўринда юқорида қайд этилган — "МЭРС" микробиоўғити ҳақида фикримизни давом эттирсак. Ушбу препарат унумдорлиги паст ҳудудларда ҳам юқори ҳосил олиш имконини беради.

У 7 хил табиий ўсимлик экстрактидан тайёрланган бўлиб, экологик тозаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис инсон организми учун ҳеч қандай зарари йўқ. Ушбу препаратдан ғўза, ғалла, мош, картошка, шולי, олма, маккажўхори, кўйинги, ердан униб чиқадиган барча ўсимлик ҳосилдорлигини ошириш учун фойдаланиш мумкин. У, асосан, уруғларни дорилловчи модда билан кўшиб дориллаш, ўсимлик баргига (суспензия) пуркаш, шунингдек, минерал ўғит, пестицид ва ер суғоришга оид жараёнларда сув билан бирга кўшиб бериш орқали қўлланилади.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, деҳқонлар ушбу микробиоўғитдан тўғри фойдаланса, ҳосилдорлик бир неча баробаргача ошади, тупроқдаги намлик 20 — 25 фоизгача сақланади. Масалан, оддий ҳолатда бир гектар ер майдонига уч марта сув қуйилса, "МЭРС"дан фойдаланган, экинларга сув икки марта қуйилади. Мазкур препарат минерал ўғитлар билан бирга

қўлланилганда ўсимлик ўғитни тўлиқ ўзлаштиради. Тупроқ ҳаводан оладиган азот, фосфор ва бошқа элементларни эритиб, ўсимлик илдизига етказиб берадиган микро-организмларнинг миқдори беш баробаргача кўпайиши натижасида ўсимлик кўшимча азот билан таъминланади. Бу экинларни суғориш даврида дуч келинадиган сув танқислиги муаммосини сезиларли даражада юмшатишда ғоятда муҳимдир.

Бундан ташқари, ўсимлик баргига



даги сувнинг буғланишини камайтириб, илдизининг ҳажми, узунлиги ва қалинлигини 1,5-2 марта оширади. Тупроқ таркибидagi фосфор ва ўсимликнинг шаклланиши учун зарур бўлган 16 — 20 та макро ва микроэлементдан самарали фойдаланишда катта ёрдам беради. Минерал ўғитларнинг фойдали коэффициентини ошириши ҳам аини ҳақиқат. Яъни минерал ўғитлар самарадорлигини 20 — 25 фоиз орттириши билан бошқа ўғитларни икки-уч баробаргача кам сарфлаб, юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Бу ҳолат етиштирилаётган ҳосилнинг таннархига ҳам ижобий таъсир қилади, албатта.

"МЭРС"нинг нафақат ҳосилгача бўлган, балки ундан кейинги жараёнларда ҳам фойдаси катта. Чунки у ҳосилдан кейин сувда эрувчан NPK элементлари ҳамда бошқа органик моддаларни тупроқда тўплаш хусусиятига ҳам эга.



Мазкур препаратнинг ҳосилдорликни оширишдаги фойдали жиҳатлари ҳақида яна кўплай мисоллар келтириш мумкин. Зеро, бу илмий-тадқиқот институтлари томонидан ўтказилган дала синовлари ҳамда бир қатор фермер хўжаликлари экин майдонларида ўз исботини топган.

Таҳлилларга кўра, ер майдонларида ўтказилган синовларда пахта

ҳосилдорлиги гектарига 7 — 10, сабзавотлар 80, полиз экинлари эса 80 — 100 центнергача ошгани кузатилди. Натижада мазкур микро-биоўғитга фермерларимизнинг қизиқиши янада ортган.

Мутахассисларнинг айтишича, ушбу препаратни ғўзага ишлатишда уруғни дориллашдан бошлаш янада фойдали. Мисол учун, бир гектар майдонга етадиган уруғни экишдан бир кун аввал 0,1-0,2 литр препарат уч литр сувда аралаштирилиб пуркалади. Иккинчи ишлов ғўза 3 — 5 та барг чиқарганда 0,4-0,5 литр препарат 300 литр сувда эритиб суспензия қилинади. Учинчи ишлов шоналаш даврида 0,5-0,7 литр, тўртинчи ишлов эса гуллаш даврида гектарига 0,8 литр препаратни 300 литр сув билан аралаштириб амалга оширилади. Ана шунда ғўзанинг барваж ривожланиб, ҳосил тўплаш имконияти янада юқори бўлади.

Тан олиш керак, кейинги йилларда ёз фасли меъёрдагидан иссиқ келиб, кўплай ғўза майдонларида

Ғўза майдонининг 10 сотихидаги ҳосилдан бутунлай кўнглимни узган эдим. Чунки май ойларида ғўзаларни совуқ уриб кетганди. Ҳафсала қилиб-қилмай шу майдонга ҳам 30 грамм "МЭРС"ни

Мутахассисларнинг таъкидлашича, деҳқонлар ушбу микробиоўғитдан тўғри фойдаланса, ҳосилдорлик бир неча баробаргача ошади, тупроқдаги намлик 20 — 25 фоизгача сақланади. Масалан, оддий ҳолатда бир гектар ер майдонига уч марта сув қуйилса, "МЭРС"дан фойдаланган, экинларга сув икки марта қуйилади. Мазкур препарат минерал ўғитлар билан бирга қўлланилганда ўсимлик ўғитни тўлиқ ўзлаштиради. Тупроқ ҳаводан оладиган азот, фосфор ва бошқа элементларни эритиб, ўсимлик илдизига етказиб берадиган микро-организмларнинг миқдори беш баробаргача кўпайиши натижасида ўсимлик кўшимча азот билан таъминланади. Бу экинларни суғориш даврида дуч келинадиган сув танқислиги муаммосини сезиларли даражада юмшатишда ғоятда муҳимдир.

10 литр сувга аралаштириб сепдим. Орадан 4-5 кун ўтгач, вазият яхши томонга ўзгарганини кўрдим: ғўзалар "жонланиб", барг-

лари яшнаб, ўсишда давом этарди. Бундан хурсанд бўлиб, қолган пахта майдонига ҳам "МЭРС"дан сепдим. Шу пайтгача гектарига 20 центнердан пахта олардик. Бу йилги мўлжалимиз 35 центнердан кам эмас. Буларнинг барчаси "МЭРС"дан унумли фойдаланаётганимиз ва бошқа агротехника тадбирларини ҳам ўз вақтида амалга ошираётганимиз натижаси, деб биламан.

Таъкидлаш жоизки, Чуст туманидаги бир қатор фермер хўжаликлари, жумладан, "Сабзор Машъали" фермер хўжалиги жамоаси ҳам 42 гектар майдондаги ғўзага препаратни икки марта қўлланишдан сўнг, ҳосил нишонлари кўпайиб, иссиқ кунларда ҳам гул ва шона ташлаш ҳолатлари кузатилмаган. Натижада юқори ҳосил яратилиб, гектарига шартномада белгиланган 32 центнер ўрнига 42 центнер ҳосил етиштириб, давлат хирмонига 131 тонна ўрнига 172 тонна пахта хом ашёси топширган. Бу каби фермер хўжаликлари туманда кўплай топилди. Улар юқори ҳосил ва баракали даромад олганликлари боис бу йил "МЭРС" микробиоўғитини ишонч билан қўлламоқда.

Дарвоқе, яна бир янгилик. "МЭРС" микробиоўғитини нафақат пахта, ғалла, боғдорчилик, сабзавот, полизчилик ва дуккакли экинлар етиштиришда, балки балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик йўналишларида ҳам қўллаш мумкин. Бунинг натижасини фермерлар ижобий баҳолашмоқда.



Низомжон АҲМАДҚУЛОВ, Наманган вилоятининг Поп туманидаги "Умид дил" балиқчилик фермер хўжалиги иш юритувчиси:

— "МЭРС"ни ўз томорқамда фойдаланишдан бошладим. Кейинчалик уни балиқчиликда ҳам қўллаб кўришга қарор қилдим. Балиқ етиштиришга мўлжалланган 46 гектар майдонимиз бор. Шундан 8 гектариди боқилаётган балиқларда тажриба сифатида фойдаландим. Биламизки, балиқ, асосан, аммофос билан озиклантирилади. Ўзим балиқларга 150 кг. аммофос берардим. Кейин ушбу аммофос миқдорини тенг ярмига қисқартириб, яъни 75 килосига 350 грамм "МЭРС"дан кўшиб озиклантирдим. Натижаси жудаям яхши бўлди. Биринчидан, озиклантириш учун сарфлаётган харажатим 50 фоиз қисқарди. Иккинчидан, балиқларнинг оғирлиги ҳам ошмоқда. Ҳисоб-китобимга кўра, "МЭРС" ишлатилган ҳудуддаги балиқларни овлаш пайтидаги оғирлиги одатда 900 — 1000 граммни



ташкил этарди. Эндиликда 1,5 килограммгача тош босишига ишонманам. Чунки ҳозирги кундаги оғирлиги 700 — 800 грамм атрофида. Бу катта кўрсаткич. Олдимизда эса яна уч ой вақт бор.

Юқорида "AGRITES" кўшма корхонаси фаолият олиб бораётгани ҳақида тўхталган эдик. Шунга кўшимча тарзда айтиш мумкинки, "МЭРС"ни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Наманган вилоятининг Поп туманидан ер ажратилган. Аини кунда қурилиш ишлари олиб бориляпти. 2020 йилдан бошлаб, мазкур табиий тоза препарат ўзимизда ишлаб чиқарила бошлайди.

Бу эса препарат таннархининг тушиши ва импортнинг қисқаришига, пиривардида деҳқону фермерларимиз ишини янада оsonлаштириш билан бирга, ҳосилига ҳосил кўшишга хизмат қилади.

"МЭРС" микробиоўғити ишлаб чиқариш корхонаси таъсисчиси Муҳиддин Асомиддиновнинг айтишича, ушбу микробиоўғит Россия Федерацияси, Малайзия, Миср, Исроил, Қозоғистон, Туркменистон каби давлатларда аграр соҳада кенг фойдаланилмоқда. Ушбу препарат мамлакатимиздаги Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш вазирлиги давлат комиссияси томонидан ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларини жадаллаштирувчи ҳамда ҳосилдорлигини оширувчи восита сифатида қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рўхсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхатига киритилган.

Ўтган йили Наманган шаҳрида "AGRITES" Ўзбекистон — Қозоғистон кўшма корхонаси ташкил этилди. Масыулияти чекланган жамият шаклидаги мазкур корхона жамоаси 200 грамм, 1 ва 5 литрлик идишларда қадоқланган "МЭРС" микробиоўғитини юртимиз фермерлари ва деҳқон хўжаликларига етказиб бериляпти, шунингдек, аҳоли ўртасида унинг фойдали томонлари аниқ мисоллар асосида тушунтирилмоқда. Препаратнинг нархи ҳам ҳамёнбоп — бир литри 152 минг 400 сўм. Кўшма корхона жамоаси "Даладан дастурхонгача" шиори остида фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириувчи барча турдаги ташкилотлар билан экологик тоза маҳсулот етиштиришда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Маҳмуд САЙДАЛИЕВ, "AGRITES" Ўзбекистон — Қозоғистон кўшма корхонасининг Қашқадарё вилоятидаги вакили:

— Препаратни Қашқадарё вилоятидаги бир нечта фермер хўжаликларида тажриба сифатида қўлладик. Биргина Нишон туманидаги "Сайдалиев Муҳриддин" фермер хўжалиги ғалла майдонларига икки марта сепишга улгурдик. Натижа биз кутгандан ҳам яхши бўлди. Аввало, ғалла ўсиш даврида бири эса икки ҳафтага тезлашди, яъни бугдой ўтган йилдагига қараганда 12 — 14 кун олдин пишди. Бугдойнинг мағзи тўқ, сифати ҳам юқори бўлди. Ҳосилдорлик ошди. Масалан, препарат сепилмаган майдонда гектарига 60 — 65 центнердан ҳосил олинган бўлса, у фойдаланилган даладан эса 80 — 85 центнер бугдой олинди.

Р. ОТАМУРОДОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 01.40 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

